

МАСЬУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАИ  
ЖАМИЯТИ



ОБЩЕСТВО ОГРАНИЧЕННОЙ  
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ

## «АНДИЖОНФУКАРОЛОЙИХА»

ШАРТНОМА №87-11/2022

Избоскан тумани «Зарбдор» МФЙда №32 МТТ биносиши  
реконструкция килини учун ЛСХ, АРТ хужжатларини тайёrlаш ва  
объект бўйича муаллифлик назорати

БУЮРТМАЧИ: «Ягона Буюртмачи хизмати»ИК

4390300

170026 Андижон шахар, Бобур шох кучаси 2. тел.: 226-18-62

Андижон шахар – 2022 йил.

**№ 87-11/2022**  
**Лойиха-смета хужжатларини  
тайёрлаш хақида пудрат шартномаси**

2022 йил «30» Апрель

Андижон шахри

Келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган ва харакатдаги Низом асосида фаолият кўрсатадиган Андижон вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси унинг директори Б.Абдурахимов бир томондан, ҳамда келгуси ўринларда «Пудратчи» деб юритилади ва Низом асосида фаолият кўрсатадиган «Андижонфукаролойиха» МЧЖ ва унинг раҳбари О. Мирзаев иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар

**1. Шартноманинг мазмуни**

1.1 “Пудратчи”: Избоекан тумани «Зарбдор» МФЙда №32 МТТ биносими реконструкция килини учун ЛСХ, АРТ хужжатларини тайёрлаш ва объект бўйича муаллифлик назоратини ушбу ишига тўлиқ фойдаланишига топширилгунга қадар олиб бориши мажбуриятини, “Буюртмачи” эса ўз вақтида ишларни қабул қилиб олиб, ишлар хақини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

1.2 “Пудратчи” “Буюртмачи” томонидан тақдим этилган меъморий режалаштириш (АГЗ), лойихалаш топширикларида кўрсатиб ўтилган ишларни «Корхона, бино ва ишига топширилгунга қадар олиб бориши мажбуриятини, “Буюртмачи” эса ўз вақтида ишларни қабул қилиб олиб, ишлар хақини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

1.3 Бажариладиган ишларга илмий, техник, иктисадий ва бошка талаблар ишларини бажариш учун техник топширикларда назарда тутилади.

1.4 “Пудратчи” томонидан бажариладиган ишларини муддати лойиха ишларига ўтказилган эркин танловларнинг баённомаси билан 15 кунга белгиланган

1.5 “Пудратчи” “Буюртмачи”нинг рухсатини кутмасдан, кўшимча ички хўжалик шартномасини (шартномада белгиланмаган, лекин мазкур шартномани бажаришда амалга оширилиши лозим бўлган маҳсус тадқиқот ишларига) тузишга ҳаклидир. Кўшимча ички хўжалик шартномаларини тузиш “Пудратчи” зиммасига юклатилади.

1.6 Хўжалик шартномасини бажаришдан бош тортиш ва шартларини бир томонлама ўзгартиришига рухсат этилмайди.

1.7 Ишларни молиялаштириш хисобот йили учун белгиланган тартибда тасдикланган манзилий дастурда белгиланган лимит маблаглари доирасида ва кўрсатилган молиялаштириш манбаи хисобидан амалга оширилади.

**2. Томонлариниң мажбуриятлари**

**2.1 “Пудратчи”нинг мажбуриятлари:**

- “Пудратчи” “Буюртмачи” томонидан берилган техник топшириқ ва бошка бошлангич хужжатлар асосида ишларни бажариш;
- “Буюртмачи” билан бажариладиган ишларни (босқичлари) нинг итижаларини келишиш;
- Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишлариниң бориши ҳакида, талаб қилинган холларда “Буюртмачи”га ахборот жўнатиш

2.2 “Пудратчи” мазкур шартнома асосида бажарилган ишларни буюртмачининг рухсатисиз учунчи шахсга бернишга ҳакли эмас.

**2.3 “Буюртмачи”нинг мажбурияти:**

- Мазкур шартномада кўзда тутилган миқдорда ва шартларда белгиланган нархни тўлаш;
- “Пудратчи” томонидан бажарилиши лозим бўлган ишларни, мазкур шартномада назарда тутилган шартларда бажарилишини назорат қилиш;
- “Пудратчи” билан бажарилган ишлар (босқичлар) нинг итижаларини келишиш;
- Шартнома бўйича бажарилган ишларни, уларниң мазмунини “Пудратчи”нинг розилигисиз учунчи шахсга бермаслик;

### **3. Шартнома бўйича ишларнинг нархи**

3.1 Бажариладиган ишларнинг умумий қиймати лойиха ишларига ўтказилган биржа танловларнинг 2022 йил “25”апрелдаги №22110012073177 - соили ЛОТ га асосан 2022 йил 27 апрелдаги танлов комиссиясининг баённомаси билан 75 000 000 ( Етмиш беш миллион )сўм булиб :

- Бундан “Буюртмачи” томонидан “Пудратчи”га 2022 йилда ЛСХ харажати қийматининг 30 фоизлик микдорида бўнак (аванс), бу 22 500 000 (йигирма икки миллион беш юз минг) сўмни ташкил қиласди.

3.2 Колган 70 фоиз 52 500 000( Эллик икки миллион беш минг) сўмни ташкил қиласди.

3.3 “Буюртмачи” “Пудратчи”дан бажарилган ишлар ҳакидаги далолатномаларни қабул қилиб, томонлар имзо чекканларидан кейин жорий молиялаштириш ишларини бажариш мажбуриятини олади

3.4 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан амалга ошириладиган лойиха ишлари нархи ва муддати узил – кесил хисобланади ва қайта кўриб чикилмайди.

### **4. Ишларни топшириш ва қабул қилиши тартиби**

4.1 Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топшириқ талаблари асосида баҳоланади.

4.2 “Пудратчи” томонидан топширилиши ва расмийлаштирилиши лозим бўлган хужжатлар рўйхати техник топширикда аникланади.

4.3 “Пудратчи” ишларни бажариб бўлгач, “Буюртмачи”га топшириш–қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб 3 та нусхада хужжатлар тупламини тақдим этади.

4.4 “Буюртмачи” мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини ва хисбот хужжатларини 30 кун муддатда қабул қилиш мажбуриятини олади ва пудратчига имзоланганди, ёки асосли эътиroz билдирилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

4.5 Бажарилган ишларни топшириш–қабул қилиш давомида “Буюртмачи”нинг асосли эътиrozи бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишининг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6 Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлса, томонлар 5 иш кун мобайнида бир–бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳакида ҳабардор қилишлари шарт ва 10 иш кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонуничилигига белгиланган мажбуриятлар юкланади.

4.7 Ўзаро хисоб–китоблар қилишнинг муддати келганлиги томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳакидаги ёзма хабарнома берган санадан хисобланади.

### **5 . Томонларнинг жавобгарлиги**

5.1 “Буюртмачи” ўз вактида олдиндан тўланиши лозим бўлган тўловларни тўламаган ҳолларда, ишларни якунлаш муддати тўлов кечикирилган муддатга узайтирилади.

5.2 “Буюртмачи” тўлов талабномаси акцепти (қабул қилиш)ни асоссиз равища тўла ёки қисман рад этганилиги, шунингдек хисоб–китобларнинг бошка шакллардаги ишларга ҳақ тўлашдан бош тортганлиги (банк муасасасига тўлов топшириқомасини тақдим этмаслик, чек бермаслик, аккредитив бермаслик ва ҳакозо) учун “Буюртмачи” тўловдан бош тортган ёки рад этган сумманинг 0,5% ҳажмида пеня тулайди.

5.3 “Буюртмачи” олган мажбуриятини бажармаган тақдирда “Пудратчи” ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 % ҳажмида пеня тўлайди. Аммо бунда пениянинг умумий микдори бажарилмаган иш ёки кўреатилмаган хизматнинг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

5.4 “Пудратчи” шартномада курсатилган мажбуриятини бажаришда, хизмат кўрсатишда олган мажбуриятларини бузганилиги учун “Буюртмачи”га ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 % хажмида пеня тўлайди. Аммо бунда пениянинг умумий микдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 %дан ортиб кетмаслиги керак.

5.5 Бажарилган ишлар(босқичлар)да камчилик ва нуқсоилар пайдо бўлганда “Пудратчи” уларни бегараз бартараф этиш мажбуриятини олади.

5.5.Агар “Пудратчи” ўтган босқич учун ҳисоб бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

5.6.Агар шартнома шартларининг бузилини енгиб бўлмайдиган холатлар (форс–мажор) натижасида юзага келса томонлар ўз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик меъёрлари асосида иш кўради.

5.7 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар керакли сифатга, техник шартларга ва мажбурият шартларига мос келмаса, Пудратчи Буюртмачига етказилган заарни тўлайди. “Пудратчи” ишлар сифатли, шартнома шартларига мос келишига жавоб беради.

5.8 Шартномани ижро этмаганилиги ёки етарли даражада бажармаганилиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий–хукуқий базаси тўғрисида» ги конуннинг 25 – 32 – моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўлланилади.

5.9 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар шартнома шартларига мос келмаслиги, “Буюртмачи” бажарилган ишлардан бош тортишга хакли, “Пудратчи”дан шартнома шартларига мос келмайдиган иш қийматининг 5% микдорида жарима ундиришга, агар бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаб кўйилган бўлса, белгилаиган тартибда тўланган суммани кайтаришни талаб қилишга хакли. Жарима тўлов талабномаси имолиялаштириш муассасасига сифати лозим даражада бўлмаган ишлар хақидаги далолатнома тузилган вақтдан бошлиб бир ой мобайнида тақдим қилиниши лозим. Жарима жадвалининг тўлов талабномаси белгиланган бир ойлик муддатдан кейин тақдим этилса, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.10 Агар пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган талаб доирасида бажармаса, лойиҳа-смета ҳужжатларида камчилик ва нуқсоилар аникланган тақдирда “Пудратчи” “Буюртмачи”га етказилган заарни тулайди. “Пудратчи” ишлар сифатли, шартнома шартларига мос келишига жавоб беради.

5.11 Шартнома шартларини ижро этмаганилиги ёки лозим даражада бажармаганилиги учун жавобгарлик, агар шартномада кўзда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий–хукуқий базаси тўғрисида”ги конуннинг тегишли моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўрилади.

## 6. Бартараф этилиб бўлмайдиган куч холати (форс - мажор)

6.1 Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ходисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган кучлар сабабли содир бўлган бўлса, хамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чикарган оқибат хукм сурган вақтга мос равишда оркага суриласди.

6.2 Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари З ойдан ортик вақтга чўзиладиган бўлса, “Пудратчи” ва “Буюртмачи” курилишни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора тадбирлар кўришини мухокама қиладилар.

Агар томонлар 1 ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларининг ҳар қайсени шартномани бескор қилинишини талаб қилинишига хаклидир.

6.3 “Буюртмачи” тўлов шартларини ўз вақтида бажармаслиги “Пудратчи” учун «форс-мажор» холатига тенг ҳисобланади.

## 7. Кўшимча шартлар

7.1 “Буюртмачи” 1.1.-бандда кўрсатилган обьектдан ташқари, “Пудратчи” томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳакли эмас, “Пудратчи” эса олинган иш натижаларидан ўзининг манфаатлари учун фойдаланиши тақиқланади.

7.2 Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларниң ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятиниң шартномавий хуқукий базаси тўғрисида» ги конунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.3 Томонлар ўзларининг юридик ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бир-бирларини 3 банк куни ичida хабардор қилишлари шарт.

## 8. Шартноманинг амал қилиши муддати ва шартлари

8.1 Мазкур шартнома томонлар имзо чекиб, газначилик бошкармасидан руйхатдан утганидан кейин кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажариб бўлгунча хақиқий ҳисобланади.


8.2 Мазкур шартнома 2 нусхада тайёрланади ва бир нусхадан буюртмачига, пудратчига берилади.

8.3 Шартнома 2022 йил 31 декабрга қадар ўз кучида бўлади.

## 9. Низоларни хал этиши тартиби

9.1 Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзgartiriши ва бекор қилиши, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда Андикон туманлараро иқтисодий суди томонидан ёки томонларининг келишувига биноан хакамлар суди томонидан кўриб чиқилади

## 10. Томонларниң реквизитлари

БУЮРТМАЧИ	ПУДРАТЧИ
«Ягона буюртмачи хизмати» ИК	«Андижонфукаролойха» МЧЖ
Андижон ш. Навоий шохкўча 45 уй	Андижон ш., Бобур шох қучаси 2 уй
Тел.: 223-08-28	Тел.: (+998-74) 226-18-69
ШХВ: 301821860034013091100251020	x/r: 20208000100405999001
СТИР: 200 238 014; ОКОНХ: 69 000	«Миллийбанк», Андижон филиали
Ўзб. Республикаси вазирлиги Газначилиги;	МФО: 00074, СТИР: 200240242
Ғазиа x/r: 23402000300100001010	ОКОНХ: 66000
МБ ХККМ Тошкент шахар МФО: 000 14	
СТИР 201 122 919	
Компания директори М.ў.	Рахбар М.ў.
 	 О.Мирзаев

М.ў.

## Х У Л О С А

Избоскан тумани «Зарбдор» МФЙда №32 МТТ биносини реконструкция килиш учун ЛСХ,АРТ хужжатларини тайёрлаш ва объект бўйича муаллифлик назорати бўйича тузилган 2022 йил « 30 » Апрель 87-11/2022 соли шартнома (контракт) лойихасини шартларга мослигини текшируви бўйича

Юкорида курсатилган шартнома текширилиб, куйидагилар аникланди:

1. Томонларининг ушбу шартнома (контракт) асосида келиб чикувчи муно- сабатлари Узбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий асослари»тугрисидаги конун асосида тартибга солинади .
2. Тузилаётган шартнома (контракт)нинг шакли ва шартлари Узбекистон Республикаси фукаролик кодексининг талабларига (353,354,356,107,108 моддалар) ва «хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий асослари»тугрисидаги конун талабларига (25-34 моддалар) мос келади.
3. Томонларининг шартнома шартларини бажармаганликлари ёки талаб даражасида бажармаганликлари учун мулкий жавобгарлиги бўйича чоралар Узбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий асослари»тугрисидаги конунга (25-34 моддалар) мос равишад белгиланган.
4. Томонларининг уртасида пайдо буладиган низоларни хал килиш тартиби «Узбекистон Республикасининг Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий асослари»тугрисида конуннинг 17-19 моддаларига, Узбекистон Республикасининг фукаролик кодексига ва Узбекистон Республикасининг хужалик Процессуал Кодексининг 23,24,26,27 моддаларига мос равишда белгиланган.
5. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажарилиши Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Экспорт-импорт жараёйларини такомиллаштириш ва урганиш (мониторинг) чоралари» тугрисидаги 416-сони карор билан тартибга солинади.



Юрист : *Джемелек* Раззаков Д.